

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**

**“Uz-Koram Co” МЧЖ**

**Бош директор биринчи ўринбосари**

  
**Сатвалдиев Р.Н.**



**«Uz-Koram» МЧЖ эҳтиёжи учун**

**“J-200 бамперларини йиғишда фойдаланилувчи 94515131 – контргайка  
бутловчи кисмини” харид қилиш бўйича  
енг мақбул таклифни танлаш хужжатлари**

**Буюртмачи: «Uz Koram Ко» МЧЖ**

Андижон вилояти,  
2022

**МУНДАРИЖА:**

**I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА**

**II. ТАНЛАШ ТЕХНИК ҚИСМИ**

**III. ТАНЛАШ НАРХ ҚИСМИ**

## I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

<b>1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>	
1.1	Ушбу харид ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда Қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда қарор).
1.2	<b>Харид предмети: J-200 бамперларини йигишда фойдаланилувчи 94515131 – контргайка бутловчи қисмини</b>
1.3	Товарлар (иш, хизматлар) бошланғич нархи ва валюта талаби ушбу харид ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. <b>Иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган нархлари ушбу харид ҳужжатида кўрсатилган бошланғич нархдан ошмаслиги керак.</b>
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
1.5	<b>Танлашни ўтказиш шакли – электрон тарзда.</b> Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин. Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.
<b>2. БУЮРТМАЧИ</b>	
2.1	«Uz Koram Ko» МЧЖ (кейинги ўринларда «Буюртмачи») харидлар Буюртмачиси ҳисобланади. <b>«Буюртмачи» манзили (танлаш ўтказиладиган жой манзили):</b> (электрон шаклда бўлмаган ҳолларда танлаш ўтказиладиган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 170111, Yangiaylanma ko'chasi, 1-uy  <b>Банк реквизитлари:</b> 1) Банк номи: “Ҳамкорбанк” АТБ Андижон вилоят , МФО: 00083, х/р: 2020 8840 1005 1638 9005 ОКЭД: 13141, СТИР: 200908912
2.2	Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: Фамилияси, исми, шарифи: Лавозими: Манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 170111, Янги айланма кўчаси, 1 Телефон рақами: Электрон почта манзили:
2.3	Танлаш бўйича харидларни амалга ошириш Буюртмачининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади. <b>Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:</b> харид қилиш ҳужжатларини келишади; таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди; таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди; таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди; зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажминини ва уни таъминлаш шаклини

	<p>белгилайди;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;</p> <p>дастлабки малака танловини ўтказди, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;</p> <p>зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;</p> <p>зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.</p> <p>Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.</p>
2.4	<b>Шартнома эгаси:</b> «Uz Koram Ko» МЧЖ.
<b>3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ</b>	
3.1	<p><b>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси</b> (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.</p> <p><b>Иштирокчи:</b></p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</p> <p>ғолиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p> <p><b>Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.</b></p>
3.2	<p><b>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</b></p> <p><b>Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– <u>шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</u></li> <li>– <u>шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлишлик;</u></li> <li>– <u>солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;</u></li> <li>– <u>ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;</u></li> <li>– <u>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.</u></li> </ul>
4.	<p><b>ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ</b></p> <p><b>Давлат харидларининг ижрочиси</b> (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчидир.</p> <p><b>Ижрочи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– <u>қонунчилик талабларига риоя этиши;</u></li> <li>– <u>шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;</u></li> <li>– <u>асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</u></li> <li>– <u>шартномани бажариш жараёнида Буюртмачига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.</u></li> </ul>

	Буюртмачи зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.
<b>5. ТАНЛАШНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ</b>	
5.1	<p><b>Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қуйидагиларни бажариши шарт:</b></p> <p>а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) танлаш таклифини харид ҳужжати ва электрон портал(etender.uz) талаблари асосида тақдим этиши.</p>
<b>6. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ, ТАНЛАШ ТИЛИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ</b>	
6.1	<p>Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда Буюртмачи томонидан жойлаштирилади.</p> <p>Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади (улар ҳақида батафсил маълумот ушбу танлаш харид ҳужжатининг тегишли жойларида келтирилган):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;</li> <li>- ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;</li> <li>- танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;</li> <li>- иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;</li> <li>- техник топшириқ;</li> <li>- давлат харидлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;</li> <li>- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.</li> </ul> <p><b>Ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилади. Бундай ҳолда Буюртмачи турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.</b></p> <p><b>Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади. (Ушбу танлаш харид ҳужжатининг IV қисмидаги шартнома лойиҳасига қаралсин).</b></p> <p>Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.</p>
6.2	<p>Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.</p> <p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаши мажбурийдир.</p>
6.3	Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчи таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

<b>7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ</b>	
7.1	<p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар.</p> <p>Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади. (танлаш шакли электрон шаклда ўтказилмаганда)</p> <p>Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади.</p> <p>Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.</p> <p>Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.</p> <p>Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.</p>
7.2	Танлаш иштирокчилари таклифларни рақамланган, муҳрланган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир саҳифасида имзоланган ҳолда тақдим этишлари тавсия қилинади.
7.3	Иштирокчининг таклифи танлов комиссиясига почта орқали ёки иштирокчининг ваколатли вакили томонидан юборилади. Танлов таклифи тақдим этилган сана ва вақт ишчи гуруҳ томонидан қайд этилади, рўйхатга олинади ва иштирокчининг ваколатли вакили (агар мавжуд бўлса) имзоси билан тасдиқланади.
7.4	<p>Танлов таклифи икки қисмдан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техник қисм Буюртмачининг техник талабларига жавоб бериши ва таклиф этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) батафсил тавсифини ўз ичига олиши керак;</li> <li>- молиявий қисмнинг талабларда кўрсатилган танлаш мезонларига мувофиқлиги (шу жумладан маҳсулот (иш, хизмат) номи, бирлик нархи, умумий қиймати, шу жумладан барча солиқлар, тўлов шартлари, таклиф муддати ва бошқалар).</li> </ul>
7.5	Электрон тендер савдоларида таклифлар 684-сонли Қонунда белгиланган тартибда киритилади.
7.6	Тендер таклифларининг амал қилиш муддати таклифлар тақдим этилган кундан бошлаб камида 30 иш кунини ташкил қилиши керак.
<b>8. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ</b>	
8.1	<p><b>Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:</b></p> <p>Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати ҳисобланади.</p> <p>Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.</p>
<b>9. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ</b>	

9.1	<p>Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.</p>
<b>10. ТАНЛАШНИ ЎТКАЗИШ, ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ</b>	
10.1	<p>Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади.</p> <p>Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.</p> <p>Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.</p>
10.2	<p>Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 5 иш кун ичидам амалга оширилади.</p>
10.3	<p>Таклифлар конвертини очишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг расмийлаштирилишининг тўғрилиги текширилади. Конвертда тегишли ҳужжатлар бўлмаса, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.</p>
10.4	<p>Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади. Баҳолаш мезонлари ушбу харид ҳужжатининг 14 бўлимидаги иловада келтирилган.</p> <p>Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>нарх;</li> <li>етказиб бериш базиси;</li> <li>етказиб бериш муддатлари;</li> <li>тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;</li> <li>эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;</li> <li>тўлов ва кафолатлар шартлари;</li> <li>муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар;</li> <li>қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.</li> </ul> <p>Буюртмачи томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби кўрсатилади.</p> <p>Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлашда Буюртмачи фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.</p> <p>Харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга қўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг)</p>

	экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.
10.5	Иштирокчи томонидан тақдим етилиши учун зарур бўлган малака ҳужжатларининг шакллари ушбу харид ҳужжатининг 1-иловасида кўрсатилган.
10.6	Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим етилган ҳужжатларда ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар аниқланса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлидир.
10.7	Таклифлар агар Қонун, қарор, низом ва танлаш харид ҳужжатлари талабларига жавоб берса мос равишда расмийлаштирилган деб топилади, акс холда харид комиссияси таклифларни рад этишга ҳақлидир.
10.8	Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида Буюртмачи иштирокчидан уларнинг ўз таклифлари тўғрисида тушунтиришлар талаб қилиши мумкин. Ушбу процедура ёзма равишда ва/ёки қонунда белгиланган тартибда танлов ташкилотчисига сўровнома юбориш орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархида ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
10.9	Агар иштирокчилар ўз таклифларини турли валюталарда тақдим этган бўлса, танлов шартларига мувофиқ, баҳолаш вақтидаги таклифлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг платформадаги курси бўйича ягона валютага айлантирилади. этендердан.
10.11	Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосан шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.
10.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, Харид қилиш комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилиб, тендер таклифини рад этишга ёки уларни кейинги кўриб чиқиш учун бошқа шартларни белгилашга ҳақлидир.
10.13	Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.
10.14	Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.
10.15	Баённома Буюртмачи томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, Буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.
10.16	Буюртмачи томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот Буюртмачи томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.
<b>11. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ, КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САҚЛАШ</b>	
11.1	Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса,



	<p>уларга рию этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига рию этилади.</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.</p> <p><b>ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ШАРТ.</b></p>
11.2	<p>Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва / ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p>
<p><b>12. ИШТИРОКЧИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШДАН ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ</b></p>	
12.1	<p>Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:</p> <p>у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;</p> <p>унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;</p> <p>ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;</p> <p>иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;</p> <p>иштирокчи давлат харидлари жараёнида Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;</p> <p>иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.</p> <p>Харид комиссиясининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.</p>
<p><b>13. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР</b></p>	
13.1	<p>Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Буюртмачи томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.</p> <p>Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳукуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан</p>

	захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.
13.2	<p>Иштирокчилар Буюртмачи га ёки ушбу Буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олишга ҳақли.</p> <p>Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтиришлар олиш учун Буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга мурожаат қилиши мумкин.</p> <p>Буюртмачи ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилот харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.</p>
13.3	Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид ҳужжатлари талабларига мос эмас деб топилган ҳолларда танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.
13.4	<p>Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.</p> <p>Буюртмачи давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш Буюртмачи нинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати бўлган ҳоллар мустасно.</p>
13.5	Техник топшириқда товарлар наъмунаси талаб қилинган ҳолларда, танлаш таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар ҳар бир товар намунаси Иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун Буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида кўрсатилади. Техник талабларига жавоб бермайдиган товарларга тақдим қилинган танлаш таклифлари Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу ҳолда ёки товарлар наъмунаси тақдим қилинмаган ҳолларда танлаш таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.
<b>14. ИЛОВА ВА ШАКЛЛАР</b>	

**Малака ҳужжатлари**

1. Танлашда коррупцияга йўл қўймаслик ҳақида ариза (кафолат хати асосида).
2. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот (алоҳида ҳужжатда)
3. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот (алоҳида ҳужжатда)
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги (кафолат хати асосида).
5. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик (кафолат хати асосида) Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, танлов иштирокчиси муҳри билан тасдиқланган ҳолатда бўлиши керак.
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги (кафолат хати асосида).

**Изоҳ:** Юқоридаги кўрсатилган 1,4, 5 ва 6 бандларда сўралган маълумотлар мазмунан битта кафолат хати ичида ифодаланиши ва тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши мумкин. Агар маълумот тақдим қилинмаса ёки талаб доирасида тайёрланмаган бўлса, маълумотлар сохталаштирилган ёки ёлғон бўлса бундай иштирокчилар четлаштирилади ва уларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади.

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу хат билан биз \_\_\_\_\_ (ташкilot номи) харид хужжати ва унинг таркибий қисмлари, ҳамда барча иловалардаги шартлар билан тўлиқ танишиб чиқдик, уларда кўрсатилган шартлар ва талабларга ўз розилигимизни билдирамиз ва қуйидагиларни тасдиқлаймиз:

- Ташкilotимиз қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмас, суд ёки арбитраж ҳолатида эмас. Ташкilotимизга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмас.
- Илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган ёки бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас.
- Ушбу танлашда (тендерда) иштирок этиб, коррупцияга йўл қўймаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ости хужжатларининг коррупцияга қарши ўрнатилган талабларини бузмасликка риоя қиламиз;
- Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалликни тасдиқлаймиз. Ташкilotнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси тақдим этилади.
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган.

Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларига ҳамда бошқа ресурсларга эгалликни тасдиқлаймиз. Бу ҳақидаги маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар танлаш (тендер) таклифи ичида алоҳида тақдим этилади.

## ТАШКИЛОТ БЛАНКИ

Танлаш № \_\_\_\_\_ (танлаш рақами ва предмети кўрсатинг) бўйича

## ТЕХНИК ТАКЛИФ

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

## Харидлар комиссиясига

Хонимлар ва жаноблар!

Харид ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, биз имзо чекувчилар (Иштирокчининг тўлиқ исми), \_\_\_\_\_ (таклиф қилинган маҳсулот, товар ёки моделнинг номи) \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ миқдорида етказиб беришни таклиф қиламиз.

Танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома асосида товарларни ушбу техник таклифга тўлиқ мос равишда етказиб беришни ўз зиммамизга оламиз.

Биз таклифларни қабул қилишнинг охириги муддати сифатида белгиланган кундан бошлаб 60 кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу таклиф биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

- **Тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари:** \_\_\_\_\_ (сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар, масалан, сифат сертификати ва бошқалар)
- **Эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати:** \_\_\_\_\_
- **Кафолатлар шартлари** \_\_\_\_\_

Иловалар:

- \_\_\_ вақтдаги таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;
- таклиф қилинаётган маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар (сифат сертификати ва бошқалар) мавжудлиги.
- таклиф етилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган техник ҳужжатлар рўйхати (рисолалар, техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки бошқа ҳужжатлар);

*(Тақдим этилган ҳужжатлар рақамланган ва ваколатли шахснинг имзоси ва иштирокчининг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак, ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга қараб бошқа тилда тақдим этилиши керак).*

*(ваколатли шахснинг имзоси)*

\_\_\_\_\_  
*(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими)*

МУХР ЎРНИ.

## ФИРМА БЛАНКИДА

## НАРХ ТАКЛИФИ

ишлаб чиқиш учун (хизмат номини кўрсатинг)

Сана: (тендер таклифи берилган санани киритинг).

Кимга: танлов комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйганлар, тендер ҳужжатларини тулик ўрганиб чиққанимизни ва товарларни ишлаб чиқариш (етказиб бериш) пайтида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар моҳияти билан танишганимизни ёшон қиламиз.

Барча талабларни таҳлил қилиб, биз танлов шартларига мувофиқ етказиб беришни таклиф қиламиз (етказиб берилаётган маҳсулотларнинг номини кўрсатамиз):

- тўлов шартлари - \_\_\_\_\_;
- етказиб бериш шартлари/базиси - \_\_\_\_\_;(иловага асосан)
- етказиб бериш шартлари - \_\_\_\_\_;(иловага асосан)
- ташишнинг тахминий қиймати - \_\_\_\_\_ (иловага асосан)

Таклиф қилинаётган хизматни ишлаб чиқишнинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ (иловага асосан) (таклифнинг умумий миқдорини рақамлар ва сўзлар билан, шунингдек тўлов валютасини кўрсатиб беринг) ва бу таклифнинг бир қисми бўлган бириктирилган нархлар жадвалида кўрсатилган.

Биз таклифларни қабул қилиш муддати сифатида белгиланган кундан бошлаб 60 кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик билдираемиз. Бу Таклиф биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Биз тушунамизки, тендер қўмитаси энг паст нарх таклифини емас, балки барча кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари бўйича энг яхши таклифни қабул қилиши шарт.

Сана: " \_\_\_ " \_\_\_\_\_ 202\_ йил

ФИИШ ва раҳбар ёки ваколатли шахснинг имзоси

Мухр урни

*Еслатма: Бирлик нархи ва умумий нарх ўртасида, шунингдек, тендер таклифнинг алоҳида ҳужжатлари ўртасида тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда, Буюртмачи ўзи учун қулайроқ бўлган нарх (нарх) ёки шартларни қабул қилишга ҳақли.*